

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАНГ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
Аввало, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан самимий табриклаб, барча-барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.
Бугун биз мана шу қутлуғ айёми кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касби-га меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.
Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек гоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз устозлар, муаллимлар!
Дунёда "Ўзбек модели" деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ахралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқараши, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида гоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо кўрмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатиниз сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблағни талаб қилгани – бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улғувор ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беминнат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганингизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганингизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандашлар!
Ҳар бир инсон, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлиши соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спортини иншоотларини барпо этганимиз, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, моддий ва маъна-

вий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа қўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 қарра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!
Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жадид ҳам-жамияти билан ҳамкадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб чет тилларни ўқитишнинг узлуксиз тизими жорий қилинган янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, қўтилган самарага эришиш учун аввало мавжуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада тақомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортқча гапиришнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида "Ziyouet" тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-усулбий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давомий сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозongan нуфузли Инху университетининг Тошкент филиалини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши мукаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар қўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг қимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини тегаран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодига муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек асрашда, авваломбор, болаларимизни мустақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қурби етадиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-гайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим!
Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтириб айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни қутлуғ байрамнингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, oilаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.
Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Фарида Иброҳимова 36 йиллик педагогик тажрибага эга. У Чиноз туманидаги 2-умумтаълим мактаби директори, шу билан бирга рус тили фанидан дарс беради. Унинг самарали меҳнатлари 2005 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирланди.

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Ҳозир устознинг беш шогирди шу мактабда турли фанлардан сабоқ бермоқда. Яна юзга яқин шогирди шу соҳада ишляпти.
Мураббийнинг ўқувчиси Сабина

Ярулова рус тили фани бўйича жадид кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Яна кўплаб шогирдлари фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, олий таълим муассасаси

ларига имтиёз қабул қилинган. Фарида Иброҳимова 16 йилдирки, шу мактабга раҳбарлик қилади.

Санд ҲАСАНОВ.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ПЕДАГОГ НАМУНАСИ ЁШЛАРГА МАКТАБ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари асосида иш олиб бораётган Бекобод педагогика коллежи жамоаси янги инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадида тинимсиз изланмоқда. Кадрлар малакасига алоҳида эътибор қаратиляпти.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОР ИЗЛАНИШ

Истиклол йилларида мустақил Ўзбекистонимиз бемисл эврилишлар даврини бошидан кечирди, тараққиётнинг ўзбекча моделини жадид таниди, тан олди. Бунда жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётининг муҳим омилли – илм-фан, техника, ахборот технологияларининг ўрни ва роли алоҳида. Бугунги ахборот технологиялари ривожини Ўзбекистон халқининг юксак интеллектуал салоҳиятини жадид аҳлига намоиш этмоқда.

Бунинг боиси шундаки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакат Президенти раҳнамолигида илм-фан, таълим-тарбия соҳасига катта эътибор қаратилди, қўламли ишловлар жадал суръатларда амалга оширила бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси таълим соҳасининг барча жабҳаларини кенг қамраб олди. Нати-

жада, билимдон кадрларни тайёрлайдиган заҳардаст олим-физиклар шаклланди. Уқиш, ўқитишнинг энг замонавий усуллари жадид таълим андозаларига мос равишда ҳаётга кенг тарғиб этила бошланди. Бугунги кунда бу жараёни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 29 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнани кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юрдошларимиз юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланишди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Турдиева Махбурат Махкамовна – Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси
"Меҳнат шухрати" ордени билан Каюмова Муяссар Абдуллаевна – Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси
Набиева Манзура Турсуновна – Ангрен шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси
"Дўстлик" ордени билан Рискулова Гулчеҳра Аноркуловна – Бекобод туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"Шухрат" медали билан Бекматова Зулфия Ашраповна – Зангиота озиқ-овқат саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Зверев Александр Васильевич – Тошкент вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпиада захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббий

Холтурсунов Нурмат Байматович – Охангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси

Юсупова Наргис Рўзалиевна – Оққўрғон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Маънавият

Дарҳақиқат, дунёдаги энг шарафли касблардан бири – ўқитувчилик ва мураббийликни ихтиёр этганлар меҳнатининг баҳоси йўқ. Алҳол, ўқитувчи ва устозларни ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритувчи шамга ҳам қиёс этадилар. Бу ёруғликдан баҳраманд бўлганлар, албатта, мақсадида етади. Қолаверса, буюк алломаларимиз "ҳар нарсадан юксак" дея таърифлаган, илм-фандан сабоқ берувчи улғу зотлар нияти холис – қалбларга эзгулик уруғини қадаш, оламни яхшиликка буркаш.

«КИМ СЕНГА БИР ҲАРФ ЎРГАТМИШ РАНЖ ИЛА...»

Шунинг учун ҳаётда ўз ўрнини топан, юксак маънавият, одоб-ахлоқ қўчасидан юрадиган қомил инсон борки, ўтмишини, болалигини хотирлаганда, албатта, жонанон мактаби, "ранж ила бир ҳарф ўргатган", қўлига илк бор қалам тутқазган ўқитувчиси, ҳаёт сабоғини берган устоз ва мураббийларини эслайди, ҳурмат билан ёд этади. Хатто, улғу ёшга етганда ҳам бу табаррук даргоҳини, меҳри-

бон устозларини қўмсайдими, унга интилади. Бу устозлар берган илм-фан зинеси, меҳр оҳанрабои бўлса не ажаб. Ахир, 2-3 ойлик таътил давридаёқ мактабини соғиниб, ўқитувчилари истиқболига ошиқадиган ўқувчилар камми? Янги ўқув йилини интиқлик билан кутадиган ўғил-қизларимиз қалбиди қўғ устозлар меҳри зинесидан эмасми?!

(Давоми 2-бетда).

Вилоят сайлов комиссиясида

МАТБУОТ ХИЗМАТИ ИШ БОШЛАДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси қошида матбуот гуруҳи иш бошлади. Матбуот гуруҳи сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан вилоятимизда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари, жумладан телевидение, радио, матбуот ва интернет сайтлари ходимларини ҳамкорликка қорлайди. Айни кунларда у журналистларни аккредитациядан ўтказмоқда.

Журналистларни аккредитациядан ўтказиш ТАРТИБИ

Журналистлар аккредитациядан ўтиши учун шу йил 10 октябрга қадар матбуот хизматига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

вилоят сайлов комиссияси номига ОАВ таъкилотининг расмий бланкасида журналистни аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза; аккредитациядан ўтадиган журналистнинг ўлчами 3,5х4,5 см бўлган икки дона фотосурати; ОАВ таъкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, электрон ОАВ учун – эфирга узатиш лицензиясининг нусхаси.

Кўрсатилган маълумотлардан иборат бўлмаган ёки журналистнинг уларга илова қилинмаган фотосуратларисиз ариза қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди. Матбуот гуруҳи телефони: 232-80-55.

